

# ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ТУРГУНЧА ТУРСИН!



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

## ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 2 сентябр шанба  
Сотувда эркин нархда № 172 (2469)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

М.И.Ўтагановни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Маҳмуджон Иноятович Ўтаганов Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитасининг раиси этиб тайинланган ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — чегара қўшинлари Бош штабининг бошлиғи вазифасидан овоз қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 31 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғ.Қ.Тишаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитасининг раиси вазифасидан овоз қилиш тўғрисида

Ғафуржон Қодирович Тишаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитасининг раиси вазифасидан овоз қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 31 август.

### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBINI OLIYLARIGA

Мухтарам Президент Жаноблари, Азиз қардошим!

Дўст ва қардош Ўзбекистон Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Сиз Зоти Олийларини ва Сиз орқали бутун Ўзбек халқини самимий қутлайман.

Ўтган тўққиз йиллик давр ичида Ўзбекистон катта муваффақиётларга эришти. Бу қисқа вақт ичида мамлакатингизнинг обрў-эътибори қозонгани ҳамда Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт сари илғор қадамлар қўйганини қўришдан бехад мамнунман.

Келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар даражаси юксалиши ҳамда ҳамкорлик имкониятлари янада ортishiга ишонман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Зоти Олийларига соғлиқ, бахт-саодат, ўзбек халқига фаровонлик ва омонлик тилаб, энг эзгу тилақларимни изхор этаман.

Аҳмет Неждет СЕЗЕР, Туркия Жумҳурияти Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBINI OLIYLARIGA

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!

Қардош Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Сизга, Сиз орқали эса бутун ўзбек халқига бахт-саодат, муваффақиётлар ва раванг тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Сапармурот НИЁЗОВ, Туркменистон Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBINI OLIYLARIGA

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг муборак байрами муносабати билан Покистон халқи ва ҳукумати номидан Сиз Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табрик йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилаб, энг эзгу истақларимни изхор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Муҳаммад Рафиқ ТАРОП, Покистон Республикаси Президенти.

(Давоми 2-бетда).



## АЙЁМИНГ МУБОРАК, ЭЙ, АЗИЗ ЮРТИМ!

Мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида Мустақилликнинг 9 йиллиги катта тантана қилинди, шоду хуррамлик билан қарши олинди, анъаналаримизга мувофиқ янги-янги иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ҳамкорларга жўнатилади. Тўртқўлдан бошланган байрам қайта янгилаётган Эллиққалъага, улуг алломанинг киндик қони тўқилган Беруний, ажойиб деҳқонлар эли Амурдорё, қадимий ва навқирон Хўжайли, шижоатли Шуманай, масканларда халқ сайиллари бошланди. «Анор» мева-сабзавот жамоа хўжалиги, деҳқонлари шахарликларни она ер саховатидан баҳраманд этдилар.

Мустақиллик айёми арафасида шаҳар ва қишлоқларда ўз бағрига олди. БУХОРО вилояти аҳли байрамни нишонлашни ўзига хос тарзда бошлади. Улар меҳр-оқибатли, саховатли эканликларини намоён этиб, байрам кунлари кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олдилар, тўй ораусида юрганлар қувончига шерик бўлдилар. Вилоятда кам таъминланган оилаларга 5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 6 та туманда қўйилар ва маҳалла фуқаролар йиғини бошчилигида 70 га яқин хатна тўйлари ўтказилди.


Катта сайил Нукус шаҳрининг марказий майдонида бўлиб ўтди. АНДИЖОНликлар бу йил ҳам байрамга катта тўхфа билан келдилар. Шаҳардаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғи бағридаги кўл ўртасида замонавий амфитеатр қуриб битказилди. Минглаб меҳмонлар ўша ерда ўтказилган тантаналарга тақдир этди. Саҳналаштирилган катта байрам дастури намойиш этилди. Сўнг мушакбозлик бошланди. Боғ атрофида кўнгилочлар



қирлариди дур унган Қангликўл туманларига кўчди. Кўнгирут ва Мўйноқ туманларида шу кун 82 километрлик янги сув иншооти пойдевори га илк гишт қўйилди. Бундай шуқули дамлардан бўз баҳодирлар элати Бўзатау, Тахтақўллар, қарамонлар юрти Қораўзақ, Чимбой, бири-бирдан моҳир Кегайли ва Нукус туманлари аҳолиси ҳам бенасиб қолмади.




етмишга яқин янги иншоот қуриб битказилди. Жумладан, Хўжаобод, Избосқан, Олтинкўл туманлариди касб-хўнара коллежларининг муқташам бинолари минглаб ўғил-қизларни



байрам арафасида 4 та янги қурилган коллеж ёшларни ўз бағрига олди. Бухорода энг катта иншоот ҳисобланган «Матлубот маркет» савдо биноси шаҳар аҳолисига бай-



ятнинг, Ўзбекистонимизнинг XXI аср бусағасидаги бўй-басти таъсирли лавҳаларда намоён бўлди. НАВОЙИдаги Малиқрабоб кўрғонига 9 жуфт келин-куёв тўйига 20 нафар суннат тўйи



алоҳида жавобгарлик билан, улуг ишларга дахлдорлик тўйғуларини руҳда баҳосини олди. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда) қўриб чиқилганда бутун парламент яқдил фикрлади, дейиш мумкин. Гап факат терроризмнинг манфуруна ҳаракатига зарба беришдагина эмас, балки аввалдан ўшандай ҳолатнинг олдини олишда дейишди, депутатлар. Аслида бу фикр дафъатан сессия залида пайдо бўлган эмас, балки Президентимизнинг халқаро терроризмга қарши кураш сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Депутатлар Олий Мажлис III сессияси ишлари қўнлаб, парламент биносидан ташқарига чиқибганида Ўзбекистон пойтахти қишқирганда эди. Хар бир ватандошимизнинг юз-кўзларида байрам қувончи акс этар, гавжум кўчаларда, майдон ва хибдонларда янграган куй-қўшиқлар одаларининг гўнги қайфиятини ифодалар эди. Бейхитёр қўнғимга бир фикр келди. Қани энди, «Известия» саҳифаларида Урта Осиёнинг жанговар ҳаракатлар майдони деб ёзган журналист бу манзарани кўрса, ҳасаддан юзлари қузариб кетармиди. Аллақимларнинг бюртмасига кўра мақола билан ул зот нима деса десин, менинг она Ўзбекистонимни ойдин йўлдан ҳеч ким қайтара олмайд.

Шухрат ЖАБОРОВ.

Ўзбекистон парламентининг навбатдаги сессияси ниҳоятда тизим шариқтада ўтди. Йўқ, бундай вазият депутатларнинг байрам арафасидаги хайрли бесаранжомликларини тўғайлигина тугилган эмас. Гап шундаки, мустақилликнинг ўтган даврида қонун чиқарувчи олий ҳокимият органимиз парламент ишининг ҳавосини олди, хар бир дақиқадан унумли фойдаланиш тадбирларини топди. Албатта, қонун ижодкорлиги икки кунлик йўғилиш билан чекланмади. Аслида сессияни узлуksиз жараён ҳисобланган қонун яратуш йўлидаги муайян манзилга муқояса қилиш мумкин. Май ойида бўлиб ўтган II сессиядан кейинги муҳтда мобайнида бир қанча қонунлар маҳмуи хар бир депутат нигоҳидан ўтди, унинг нечоғли ҳаётийлиги бевосита турмушининг ўзи билан тақосланди. Сайловчилар олинди. Негаки, сессия зафида овоз бераётган депутат нафақат ўз номидан, балки унга ишон билдирган сайловчиларни номидан ҳам овоз бераётгани яхши ҳис қиларди. Президентимизнинг парламент минбаридан сўзлаган оташин нутқи сессиянинг энг муҳим воқеаси бўлганлигига заррача шубҳа йўқ. Аслида бу нутқи нафақат депутатлар, айна пайтда бутун халқимиз, тинчлик ва осойишталик ораусида яшаётган минтақамиз аҳли интиқлик билан кутаётганди. Хўш, воқеалар ривожини бундан

## МАСЪУЛЛИК

Олий Мажлис III сессиясидан кейинги ўйлар

бўён қандай давом этади? Жангарилар билан олишув қачон ниҳоясига етади? Бу саволлар кўнғида эзгулик тўйғуси бўлган хар бир фуқаронинг дилида бор эди. Президентимиз, хар доимгидек, ёниб сўзладилар. Эҳтимол, бу галги чиқиш аввалгиларидан ҳам ҳароратли бўлди десам, фикримга газетхонларимиз қўшилишар. Негаки, мен шу пайтга га гўвоҳ бўлмаган ҳолатта дун келдим: Юртбошимиз сарҳадлардаги олишувда халқ бўлган жасур аскарнинг иродали онаси айтган сўзларини изхор этганида залдаги қўнлаб депутатлар қўнгда ёш кўрдим. Бу Ватан тўйғусини дил-дилдан ҳис этган, томирдаТумариснинг қони гулурган онақизининг матонатига қойил қолиш ифодаси эди. Хар қарин тўрқоқи муқаллас билган мард, ёқур ўғлонларни оқ қовиб-оқ тараган волидаларга таъзим бажо келтириш эди. Депутатлар Президентининг сўзларини бутун вужудлари билан, зўр эътибор билан тинглашди. Давлатимиз раҳбари, мамлакат Қуролли Қўчалари Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримов Сароисе тоғларидаги хар бир ўнғир, жар назоратда бўлиб, ўзини қавакка урган душман охиригача

йўқотилажагини айтганида, Тошкент вилоятига ўрмалаб кирган галямислардан 8 таси халқи ичиға олинича, ер тишлатилганини маълум қилганида ҳамма енгил нафас олди. Қолган-қутган душманнинг ҳам, бундан бўён юртимизга кўз олайтирмоқчи бўлган топсаларнинг ҳам умри шундай яқун топширни Юртбошимиз қомил ишонч билан айтди. Айна шундай ёниб сўзлардан кейин «Жалопиддин Мангуберди» орденини таъсис этиш тўғрисидаги масаланинг муҳокама қилинишида теран раъзий маъно бордек эди. Бу ордени Ўзбекистоннинг энг олий ҳарбий нишон бўлиб, уни кўксига таққан лигитларимиз Ватанимиз сарҳадларида ўз халқи омонлиги учун қалқон бўлишига шубҳа йўқ. Депутатлар кун тартибининг навбатдаги бандларини қўриб чиқишда ҳам хайларидан бир савол нари кетмади: хўш, бу қонун бизга, янги ўсиб келаятган авлодга нима беради? Бу саволни аслида ҳаётнинг ўзи қўйиб туради. Биз шундай қонунлар қабул қилайликки, токи бу ҳуқуқий ҳужжатлар халқимиз ҳаёти фаровонлашишига хизмат қилсин, ҳали намоеён бўлмаган имкониятларимизнинг кўзи-

ни очсин. Айна пайтда у қонун жаҳоний мезонлар даражасидан қаралганда ҳам бирор жиҳатдан кам бўлмасин. Зотан, бизнинг халқимиз Ер юзиде ҳеч кимдан кам эмас. Биз бой ва бекиёб ўтмишга оға миллимиз ҳеч қачон бошқалар томонидан камситилишига асло йўл қўймаймиз. Ҳаётимизнинг у ёки бу масалалари муҳокама қилинаётган анжуманларда Президентимиз муаммолар таҳлили пайтда «Айтинглар, нега қонунларимиз ишламаяпти, керак бўлса, ўзгартишлар киритайлик, ҳуқуқий жамиятда қонун хар бир масалани ҳал қилсин» дея мурожаат қилдилар. Бу сўзлар депутатларимизни янада катта масъулият билан ишлашга даъват этади. Шу маънода бу сессияда масъуллик ҳисси энг олдинги ўринга ўтди десак, адалашмаган бўламиз. Ватан раванқи, эл-юрт фаровонлиги учун депутат бўлиб нима ҳисса қўшдим? Бу савол хар бир халқ вақилининг қалбиде бор эди. Шу боис ҳам Давлат бюджетининг 2000 йил биринчи ярим йиллик ижроси муҳокама қилинадими, «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси қўриб чиқиладими, хуллас, хар бир масала



## АССАЛОМ, МАКТАБ!

Республикамиз таълим даргоҳларида янги ўқув йили бошланди

Сиз суратда кўриб турган жажжи болакайларнинг қувончли талпинишларини хар биримиз яхши тушунамиз. Мустақиллик йилларида дунёга келган бу кичкинтойлар илк марта мактаб остонасига қадам қўймоқдалар. Уларнинг ўз устозларидан биринчи марта тинглайдиган сабоқлари ҳам — Мустақиллик дарси. Биз маърифат бусасасига уларнинг қувонч билан қўнган қадамларини муборакбод этиб, изхор этадиган тилагимиз шукки, бу қувонч лаҳзаларини сизларга умр бўйи ҳамнафас бўлсин, осойишта, тинч шароитда униб-ўсиб, илм-маърифат чўққилларини эгалланг, овоз ва обод келажак сари интилаётган она Ўзбекистонимизнинг қорига яранг, шириншакар фарзандларимиз!





Истиқлол илҳомлари

ЖАҲОН ИЧРА...

Тўққиз дедим, тўққиз дедим, Орта қайтмас ўқимиз дедим. Сафлан, Ватан тарафланай, Тик бўлмасак йўқимиз дедим.

Кунлар ботар, ботмас кунлар, Эсимизда нурдан тўнлар. Ватанга бок, бу тунни ёқ, Тўққизингдан унар ўнлар.

Сен бобомнинг боласисан, Эркин чексиз қалғасан. Тўққиз ойлик қизалоқнинг Тўққиз минг ёш алғасан.

Сендан кетиб, сенга келдим, Озиб-тўзиб менга келдим. Ундан ундим, юздим юздан Мунга эмас, минга келдим.

Ўз ўрнида турсин осмон, Еруғликка офтоб посдон. Жаҳон ичра сен биттасан, Ягонаман Ўзбекистон!

Тўра МИРЗО.

Қирғизистондан хат ҚУВОНЧИНГИЗГА ШЕРИКМИЗ

Мен ўзбекман. Тақдир тақозоси билан Қирғизистонда ўсдим. Ёшлигимдан Ўзбекистон халқининг бунёдкорлиги, меҳнатсеварлигига хурматим банд. Бу эл одамларининг Ватанга муҳаббати, миллий кадриятларга садоқати, ўз ўлкаларини гуллаб-яшнашига астойдил бел боғлаганликлари мамлакат мустақилликка эришгандан кейинги йилларда ёрқин намоён бўлди. Буни ўзим тез-тез бориб турайдиган Наманган вилоятидаги ўзгаришларда кўриб-билиб турибман. Гуллар шаҳри, унинг атрофидаги қишлоқларда кунда бир янгилик кўзга ташланади. Айниқса, сўнгги пайтларда барпо этилган турар-жойлар, халқаро андозларга мос спорт мажму-

лари, коллеж ва лицейлар вилоятнинг салоҳият кирралари тобора очилаётганидан нишона. Ижобий ўзгаришлар бутун Ўзбекистонга хос эканлигини телевизор орқали кузатиб бораётган. Ва буни кўриб, тараққиёт йўлига тушиб олган юртга ҳавасим ортади. Ўзбек халқи ўз истиқлолнинг тўққиз йиллигига етиб келди. Унинг энг улуг, энг азиз байрами тантана қилинаётган шу кунларда осмон мусафал, юрти хотиржам халқнинг қувончига шерик эканлигимдан фохр туяман. Абдухалил ЖУРАБОВ, Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Аҳси туманидаги Қаравон қишлоғи.

Тошкентдаги радиотелевизион узатиш маркази (телеминора)нинг техник залида шу кунларда ўзбек телевидениеси биринчи миллий дастури учун янги кучли узатиш қурилмасини ўрнаштириш ишлари низоҳасига етди. Тажрибали ўзбек мутахассислари япониялик ҳамкасблари билан биргаликда мураккаб замонавий техника воситаларини ўрнатиб, синовдан ўтказмоқдалар. Бу техника мамлакат бosh телевизон станцияси бешинчи каналда кўп йиллардан буюн тинимсиз ишлаб «чарураган» аппарат ўрнини босади.

Икки мамлакат монтажчилари ягона жамоа сифатида тез ва икждий меҳнат қилиб, муҳим ишни муваффақиятли якунлашди. Бу уларнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги байрамига муносиб совғаси бўлди. Телевизион техникасининг айрим турларидаги ноҳукамликларни бартараф этиш йўлидаги бундай қатъий саъй-ҳаракатлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Мамлакатимиз мустақиллик мактабини кўлга киритгани, телекоммуникациянинг янги техник воситаларини жорий этиш ёки эскирарган алмаштириш масаласини ҳал этишда тўла эркинликка эга бўлганлиги ана шундай кенг имкониятлар эшитгани очиб берди. Бу, шунингдек, ёш давлатимизнинг тарихий иқтисодий янгилашларини амалга оширишда эришган муваффақиятлари, Ўзбекистоннинг иқтисодий ёрқин бораётган сифатида халқаро ҳамжамиятдаги оробу ва нуфузи охиб бораётганлиги шарофати ҳамдир. 1999 йил, айниқса, компания фаолиятида муҳим сана бўлиб қолди. У Тошкент телеминорасининг узатуви радиотелевизион мажмуасини ривожлантириш ва янгилаш лойиҳаси бўйича жиҳозлар етказиб бериш юзасидан уюштирилган халқаро тендер ғолиби бўлди. Япония, АҚШ, Олмон, Италия ва Чехиянинг машҳур 6 та фирмаси қатнашган мажмур тендерда иккита япон фирмаси — «Иточу» ва «Мицубиси» комиссия томонидан маъқул деб топилди. Кейинги жараёнларда эса «Иточу» компанияси ғалаба қозонди.

Ўзбекистон Пochта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори Ф.Абдуллаев ҳикоя қилди: — Ўзбекистон Pochта ва телекоммуникациялар агентлигининг

«Иточу»: — ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯНИНГ ЯНГИ ИНВЕТОРИ

этибор берилди. У ёки бу бўлажак шерикка тегишли маълумот ва далиллар ҳар томонлама ўрганилиб, етти ўлчаб бир кесилганидан сўнггина музокарага киришилди ва битимлар тузилди.

ҚИСКАЧА МАЪЛУМОТ:

«Иточу корпорация»га 1858 йилда асос солинган. Унинг фаолият доирасига улгуржи ва чакана савдо, қайта ишлаш, табиий ресурсларни қазиб олиш, инвестициялаш, ахборот тарқатиш, молиялаш соҳалари кирди. Гурӯҳ таркибиде Япониядаги 852 та компания (филиал), 20 та бўлим, хорижий мамлакатлардаги 159 та ваколатхона иш олиб боради. Корпорациянинг капиталли — 174,7 миллиард йен. 1999 йилда савдо операцияларининг умумий ҳажми 13,9 трлн. йенга тенг бўлди. «Иточу корпорация» жаҳоннинг 500 та энг йирик компанияси орасида 6-ўринни эгаллайди (Fortune журналининг маълумотига кўра). Электрон бизнес ва ишловларни бошқариш унинг XXI асрдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ушбу компаниянинг маънафат доирасидан ўрин олганига бир неча йил бўлди. 1996 йилда эса «Иточу» телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш бўйича бизда ўтказилган тендерлардан бирининг иш-тироқиси сифатида илк марта ўзини танитди.

1999 йил, айниқса, компания фаолиятида муҳим сана бўлиб қолди. У Тошкент телеминорасининг узатуви радиотелевизион мажмуасини ривожлантириш ва янгилаш лойиҳаси бўйича жиҳозлар етказиб бериш юзасидан уюштирилган халқаро тендер ғолиби бўлди. Япония, АҚШ, Олмон, Италия ва Чехиянинг машҳур 6 та фирмаси қатнашган мажмур тендерда иккита япон фирмаси — «Иточу» ва «Мицубиси» комиссия томонидан маъқул деб топилди. Кейинги жараёнларда эса «Иточу» компанияси ғалаба қозонди.

Ўзбекистон Pochта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори Ф.Абдуллаев ҳикоя қилди: — Ўзбекистон Pochта ва телекоммуникациялар агентлигининг

ташабуиси, қатъийлиги ва амалга оширилган оғир ва тилғиз ишлари самараси ўлароқ, 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорда усқунлар етказиб бериш юзасидан «Иточу» корпорацияси билан битим тузилди. Ушбу лойиҳанинг дастлабки қиймати 4,7 миллион АҚШ доллари миқдорда эди. Бунда кредитлаш учун мабланнинг компаниянинг ўзи излаб топди.

Япон тадбиркорларининг фойга хайрихоҳлиги, ўзбек мутахассисларининг ишончили далиллари, Ўзбекистонда бундан-да муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни давом эттириш иштиёқи

тўғрисида ашу усқунлар нархини 25 фоиз арзонлаштириш имкони яратилди. Шартномада бошқа имтиёз ва устуворликлар ҳам назарда тутилган. Чунинчи, биринчи тўлов 7 йилга кечиктирилди, усқунларнинг кафолат муддати уч йил қилиб белгиланди.

Лойиҳада кўзда тутилган, бизнинг телеминорадаги ўн та узатиш, шу жумладан, олпига телевизон ва турта радиоузатиш шу йилнинг ўзидеқ ўрнатилиб, ишга туширилади. Ҳозир шуларнинг бири монтаж қилинмоқда. Унинг қуввати — 20 киловатт соат. Электр қувватини икки баровар кам истеъмол қилади. Ишончи. Ушбу тақомиллашган узатиш иш бошлаган, сифатли, тиниқ тасвир ва товушлар мамлакатимиз эфирига олиб чиқилади.

Яна бир муҳим далил. Битимни тўла расмийлаштириш жараёнини кўтиб ўтирмасданқ, қимматбах усқунлар келтирилгани, монтаж қилиши қиришилгани, фирманинг хайрихоҳ ва собитқадан эканлигидан далолатдир. «Иточу» компанияси узатиш усқунларни мажмуи Тошкентта

олиб келинган, монтаж қилиш ва сошлаш учун ўз мутахассисларини юборгани эса Мустақиллик кунда миллионлаб телемошабинларимиз телевидение орқали замонавий технологияларнинг нақадар тақомиллашганини кўришлари ва баҳо беришлариға астойдил қизиққанлигини кўрсатади.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, барча ишлар телекўрсатувларни тўхтатмаган ҳолда олиб боришмоқда. Бу — биз учун энг муҳим. Навбатдаги усқунлар ҳам кетма-кет етказиб берилади. Тошкент телеминорасини янгилаш лойиҳаси 2001 йилда тўла адо этилади. Бу телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришлари сифатини кескин оширибгина қолмай, усқунларнинг беҳуқон ишлашини ҳам таъминлайди.

— Фатхулла Саъдуллаев, НЕС, Муци, Мицубиси каби бир қатор машҳур япон компаниялари Ўзбекистон телекоммуникация бозориде муваффақиятли фаолият юритмоқда. Сунъий йўлдош орқали халқаро алоқанинг дастлабки станциясини қуриш, ОЕСФ Япон жамағараси кредити асосида Оролбўйи минтақасидаги телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва янгилаш лойиҳалари бевоқифа уларнинг иштирокида амалга оширилди, ОЕСФ-2 кредитининг иккинчи навбати лойиҳаси доирасидаги ишлар эса давом эттирилмоқда. Янги «Иточу» компанияси фақат телеминорани қайта усқунлаш билан боғлиқ битта лойиҳани амалга оширмоқими ёки бошқа дастурлар юзасидан ҳам битимға эришилганми?

— «Иточу корпорация» вакиллари яқинда республикамизға таширф буюришди. Унинг раиси жаноб Минору Мурофушини давлатимиз раҳбарлари қабул қилди. Pochта ва телекоммуникациялар агентлигида ҳам музокаралар бўлиб ўтди. Ушбу учрашув ва музокаралар жуда амалий ва самарали бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. «Иточу» раҳбари телеминора жиҳозларини янгилаш лойиҳаси бўйича барча усқунлар белгиланган муддатларда сўзсиз етқа-

зиб берилишини айтиди. Шу билан бирга, корпорация Ўзбекистоннинг бутун телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва янгилаш бўйича халқаро тендерда иштирок этишға фаол тайёргарлик кўрмоқда. У муваффақият қозонишиға ишонди. Бунинг учун Тошба ва Фуджицу фирмалари билан биргаликда битим тузилган. Жаноб Мурофушини бизда телекоммуникация секторини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари олиб борилаётганидан қизиқиб қўйиб қилаётганини айтиди. Корхоналаримиз акцияларини сотиб олиш тўғрисидаги тақлифларимизнинг қўриб чиқилишини маълум қилди.

ОЕСФ Япония ҳукумат жамағарасининг 12,7 млрд. йен миқдордаги кредити (иккинчи навбати) асосида республикамизда телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, бир қатор радиорелеги алоқа линиялари, радио ва телевидение сигналларини тарқатиш объектларини техник жиҳатдан қайта усқунлаш бўйича катта ишлар қилинмоқда. «Иточу» эса ушбу лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишға тайёр.

Япония ҳукумати ташаббус қўрсатиб, янги кредитлар акциялар қарор қилди. Жумладан, янги ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар ҳам кредит билан таъминланади. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ушбу лойиҳаларда қатнашган масаласи ҳам қўриб чиқилди.

Шуниси диққатға сазоворки, кунчиқар мамлакатидан таширф буюрган меҳмонлар бизнинг почта алоқаси корхоналаримизни техник жиҳатдан қайта усқунлаш, чунинчи, миҳозларға хизмат қўрсатиш учун ўрнатиладиган замонавий электрон усқунларни етказиб бериш ва почта-банк хизмати-ни ташкил этиш бўйича лойиҳалар билан ҳам қизиқиб қолдилар. Бу эса ўз навбатида нафақат телекоммуникация, радио ва телевидениемиз, балки почтамиз ҳам яқин вақт ичиде миҳозларимизнинг энг қосқак даражадаги талабларға жаваб бера оладиган бўлишиға умид кенг қўламли ва узоқ муддатли ҳамкорликка ишонч уйғотади. Телеминорадаги барча ишлар муваффақиятли давом этаётгани, эришилган битимлар талаблари муддатдан илгари баҳариллаётгани ана шу ишончимиз асосли эканлигини яққол қўрсатиб турибди.

А. КУДИНОВ сўхбатлашди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва харбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001

Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЕВОВ. Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА. Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишға топшириш вақти — 21.00 топширилди — 19.00 1 2 3 4 5 6



Азиз ватандошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари! ЎЗБЕК-АМЕРИКА «КАМАЛАК-ТВ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Сизларнинг ҳалдангизни улуг ва улдухалқ байрами - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги билан салилий ва чин юракдан табриқлайди!

Ҳаллаларингизға мустаҳқал соғлиқ ва баҳет-саодат, ҳаётға кўндан-кўн қувончлар, тинчлик ва хотиржаллик, далакатилизинг буоқ ва гўзал келажакини барпо этишда янги меҳнат зафарлари тилайлизи!

Байрам билан, азиз дўстлар!



«КАМАЛАК-ТВ» қўшма корхонаси



ХАЕЛ. Турғунбек Маҳкамзада олган сурат-лавҳа.

«СОХНУТ» ЯХУДИЙ АГЕНТАВИНИНГ ЎЗБЕК БЎЛИМИ Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакат мустақиллигининг тўғрив йиллиги билан муборакбод этиб, унинг янада гуллаб-яшнашини тилайди! Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишиға умид қиламиз.